

ФҲДЁ ҳаётидан

# ОИЛА – БАХТ БЕШИГИ

Мамлакатимизда кунларнинг салмоғи йилларга тенглашиб бормоқда. Иқтисодийислоҳотларимиз, ютуқларимизни маънавият соҳасидаги фаолиятимиз тўлдирмоқда.

Юртбошимиз «Юртимнинг ҳар бир боласи ўзимнинг болаларим. Болаларимни ҳеч кимга бермайман», «Аёлларимизни ҳурмат қилайлик, эъзозлайлик. Бу фоний дунёда оналаримизни бошимизга кўтарайлик...» дейдилар. Демакким, бизнинг бугунги вазифамиз юртбошимиз атрофида маҳкам жипслашиб, болаларимиз бахти учун яшамоқ, ишламоқдир. Болаларнинг бахт-саодати эса бевосита оила билан боғлиқдир.

Оилавий муносабатлар бугун пайдо бўлган эмас. Оилага ота-боболаримиз ҳам алоҳида муносабатда бўлиб келганлар. Масалан, келин-куёв танлашда томонлар бир-бирининг насл-насабини сўраб-суриштириши, ота-оналар розилиги билан унаштириш, урф-одатлар билан тўй қилиш ва бошқа анъаналар шарқона бўлиб, уларнинг кўп жиҳатлари бугунги кунда ҳам биз учун ибрат мактабидир.

Оила қуриш, уни асраб-авайлаш барчанинг эзгу хоҳиши. Лекин бунга эришиш, пировардида бахтиёр бўлиш учун ёшлардан фақат ҳис-туйғу ва эҳтиросларга берилиб эмас, балки ақлий мушоҳада билан катталар ўгити-ю, қадриятларга ҳурмат билан, қонунларга ҳурмат ва итоат билан ёндашмоқликни талаб этади.

Ҳаётда ана шундай мезонларга амал қилган ҳолда яшаб, бахтли-саодатли ҳаёт кечирганлар ва кечираётганлар жуда кўпчилик. Биз ФҲДЁ ходимларининг юксак бурчларимиздан бири уларни ёшларга ибрат қилиб кўрсата олишдир. Шу мақсадда ўтказаётган тадбирларимиз элга манзур бўлаётганидан хурсандмиз.

Яқинда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Аёллар йилига бағишлаб Тошкент шаҳридаги 1-сонли Никоҳ уйида «Бахт уйи - бахтга қадам маскани» мавзусида катта тадбир бўлиб ўтди. Қутлуғ даргоҳ ташкил этилганлигининг 35 йиллиги муносабати билан уч авлод учрашуви ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Худди шу Никоҳ уйида бундан 20-35 йил илгари қонуний никоҳлари қайд этилган, ҳозирда пиру бадавлат, ували-жували бўлиб яшаб келаётган отахону онахонлар кечанинг энг азиз меҳмонлари бўлишди.

Турмуш қурганларига 35 йил тўлган фуқаролар Асқар ака Исамуҳамедов ва Холида ая Тошпўлатовалар шаҳримизнинг Яккасарой туманида истиқомат қиладилар. Ўн бир нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган бахтли отахон ва онахон ҳозирда 30 нафар невара ҳамда 8 нафар эваранинг бобоси ва бувисидирлар. Эътиборга лойиқ жойи шундаки, уларнинг барча фарзандлари ҳам худди шу Никоҳ уйида қонуний никоҳдан ўтиб, бахтли-саодатли яшаётган инсонлардир. Шайҳонтоҳур туманида яшовчи Шарифжон ака Ҳамроев ва Озода опа Ҳамроевалар шаънига ҳам шундай илиқ сўзлар айтиш мумкин.

А.Икромов туманида истиқомат қилаётган Шарофиддин ака Исмоилов билан Саида опа Абдураҳмоноваларнинг 30 йиллик, Искандар ака Мавлеев билан Муҳаббат опа Шокаримоваларнинг 25 йиллик тўйлари ҳам байрам тантаналарига уланиб кетди.

Ўтган 35 йил давомида ушбу Бахт маскани 150.000 келин-куёвнинг никоҳини қонуний расмийлаштирди. Бахт уйининг ўттиз беш йиллиги нишонланаётган тантана кунида яна икки жуфт бахтиёр ёшлар никоҳдан ўтиб, байрамга ўзгача файз киритдилар.

Анжуманда уч авлод вакиллари мустақил давлатимизнинг инсонпарвар қонунлари, Президентимизнинг оилага, аёлларга Ўзбекистон халқининг ҳар бир фуқаросига кўрсатаётган ғамхўрлиги ва уларнинг манфаатлари йўлида қабул қилинаётган қарорлар ва фармону фармойишлар хусусида тўлқинланиб гапирдилар. ФҲДЁ бўлимлари тизимида узоқ йиллар самарали хизмат қилган бир гуруҳ ходимлар ва фахрийларга Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсадимиз албатта халқимизнинг эртанги куни, орзу ва умиди бўлган ёш фуқароларнинг никоҳ борасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир. Шу мақсад йўлида биз ФҲДЁ ходимлари куч-ғайратимизни билим ва тажрибамизни аямаймиз.

**Гулнора ИНОМЖОНОВА,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**






*Ҳар бир юртнинг фуқароси ўзининг шу ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат - паспорти билан фахрланади. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, паспорт тизимини янгилаш, Ўзбекистон фуқаросига шу давлатнинг ўз паспортини топшириш энг муҳим ишлардан бири бўлди. Бир неча йил давомида шу шарафли вазифа адо этиб келинмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 38-Ф сонли фармойиши эълон қилингач, бу борада олиб борилаётган ишлар кўлами янада жонланиб кетди. Мухбиримиз Тошкент вилояти, Янгийўл туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Фарҳод ҒОФУРОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.*

Шу куннинг мавзуси



# ПАСПОРТ ФУҚАРОЛИК ФАХРИДИР

Республиканинг барча ҳудудларидаги каби бизнинг туманимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ҳам шу фармон ва Тошкент вилояти ҳокимининг 26-сонли «Давлат бошқарув органлари, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар раҳбарларини паспорт режимига ҳамда хорижий фуқароларнинг туриш қоидаларига риоя қилиш юзасидан масъулиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишини бажариш борасида туман ҳокимияти билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирлар белгилаб, уларнинг ижросини таъмин этаётирлар.

Туманда давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг паспорт режимига ва хорижий фуқароларнинг Янгийўл туманида туриш қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилди. Туман ИИБ бошлиғи А.Айдаров раҳбар этиб тайинланган, туман ҳокими муовини Б.Тўраев, туман прокурорининг муовини Т.Тиллаев, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари Б.Холматов ва бошқалар аъзо бўлган ушбу гуруҳ шу куннинг талабига жавоб берадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқишди.

Паспорт тизимига хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, истиқомат қилишлари, кетишлари ва транзит ўтишлари жараёнида амалдаги қонун ва қоидаларга қатъий риоя этишлари назорат қилиб борилади. Бу тартибларни бузган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар қўлланилади, нотинч ҳудудлардан келган МДҲ фуқаролари, хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва террористик гуруҳ аъзоари аниқланади. Чет эл фирмалари, қўшма корхоналар, чет эл фуқароларига хусусий мулк сифатида тегишли бўлган автоулов воситалари текширишдан ўтказилади. Ана шу қонунийликни таъминлашни кучайтириш борасида 10 та ишчи гуруҳи туздик. Айни кунларда бу гуруҳлар туман ИИБ бошлиғи А.Айдаров томонидан тасдиқланган жадвал асосида иш олиб бормоқда.

Чора-тадбирлар давомида туман ҳудудида 6561 нафар фуқаролар текширилди, паспорт қоидаларига риоя қилмасдан юрган 235 нафар Ўзбекистон фуқаролари аниқланди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жиноят Кодексининг 223-модда 1-қисми билан баённомалар тузилди. Жарималар миқдори эса 152800 сўмни ташкил этди.

МДҲ фуқароларининг юртимизда ноқонуний яшаётганликларини аниқлаш борасида тадбирлар ўтказилиб, туман ҳудудида жойлашган Қўшёғоч фуқаролар йиғини, Ли Сергей кўчасида Тожикистон Республикаси фуқаролари С.Сафаров ва 7 нафар оила аъзолари, Ш.Сафаров 4 нафар оила аъзоси, М.Назимов 5 оила аъзоси билан, Р.Муродов 8 нафар оила аъзоси билан, Қозоғистон Республикаси фуқароси Н.Насипов, Арманистон Республикаси фуқароси Л.Погосянлар республикамиз ҳудудидан божхона масканлари орқали чиқариб юборилди.

Турли республикалардан келиб юрган бир неча фуқаролар дарбадарликда гумон қилиниб, уларнинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаганлиги учун Тошкент вилояти ИИБ қошидаги қабул қилиш ва тарқатиш муассасасига юборилди.

Туман ҳудудида жойлашган ташкилот, корхона раҳбарлари томонидан ишга қабул қилинганларнинг рўйхатдан ўтганлиги ва паспортлар ҳақида маълумотлари тўлиқ ва тўғри ёзилгани, рўйхатдан ўтмасдан ишлаётган МДҲ фуқароларини аниқлаш мақсадида ОПК Ўз МЭИ корхонасида текшириш ўтказилганда ноқонуний ҳаракатлар борлиги аниқланди. Тумандаги мактаблар текширувида ҳам шундай ҳол содир бўлди ва қонун йўли билан белгиланган чоралар кўрилди.

Янгийўл туманида яшаш учун рўйхатдан ўтган, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари участка нозирлари ҳамда паспорт бўлинмаси ходимлари томонидан назорат остига олинди.

Паспорт режимини текшириш жараёнида «Ҳизбут таҳрир» гуруҳига дахлдор 3 нафар шахс аниқланди. Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Туман ҳокимияти кам таъминланган оилалар, ногиронларга паспортларни бепул олишлари учун маълум миқдорда пул маблағи ажратиб турибди.

Фуқаролик фахри бўлган паспорт тизимида олиб бориладиган ишлар самарасини янада ошириш учун биз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалий ишларни давом эттирамиз.

**Суҳбатдош: Салима ҚИЛИЧЕВА**




*Хоразм вилояти Питнак шаҳар ИИБ паспорт хизмати бошлиғи, милиция катта лейтенанти Давлат Матёқубов (суратда) 1993 йилда Тошкент Давлат чет тиллар институтини тамомлаб, акалари изидан бориб, ички ишлар хизматига ишга кирди. Ўтган давр мобайнида ўзининг сергаклиги, зийраклиги ва меҳнаткашлиги билан нафақат жамоада, балки кенг жамоатчилик орасида ҳам ҳурмат қозонди.*

**Саъдулла БОБО олган сурат.**

## ОШКОРА МУЛОҚОТ

**Бухоро вилоят прокуратураси ходимлари ўтаётган ҳар бир куннинг мазмунли бўлиши, жиноятчиликнинг камайиши йўлида турли тадбир ва учрашувлар ўтказишмоқда.**

**Бухоро вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Рамазон Пўлатов Вобкент тумани прокуратурасида фуқароларни қабул қилди. М.Азизова, С.Ибрагимова, М.Ражабова, Н.Азимова сингари хотин-қизлар уй-жой муаммолари, коммунал хизматдаги нуқсонлар тўғрисида, Чернобил АЭСи ногирони К.Очилов, меҳнат ва уруш фахрийси С.Рўзиевлар ўзларига берилган имтиёзлардан баъзи мансабдор шахслар айби билан фойдалана олмаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Р.Пўлатов қонун доирасида уларга жавоб берди.**

**Учрашувда вилоят прокурори Олий Мажлиснинг XIV сессияси мамлакат ҳаётида туб йўналишларни белгилаб бергани ва Президентимиз Ислом Каримовнинг сессияда қилган маърузаси ҳақида тўхталди. Шунингдек, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув органи раҳбарлари - «Дўстлик» маҳалла раиси Ш.Жамилов, «Халач» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ю.Рўзиев, «Харгўш» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси К.Мухторовларнинг кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам хусусидаги саволларига атрофлича жавоб берди.**

**Вилоят прокурори билан бўлган мулоқотда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати М.Эсонов сўзга чиқди. Шу куни қатор жамоа хўжаликлари ва ташкилотларда ўтган учрашувларда туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси У.Султонов, вилоят прокурорининг тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича катта ёрдамчиси М.Муҳаммедовлар ҳам қатнашишди.**

**Ўз мухбиримиз.**

Прокурор минбари

# ҲУКМЛАР ОДИЛОНА БЎЛСА...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ва бугунги кунда дунё тан олаётган улуғ ишлар Андижон вилояти прокуратураси ходимлари фаолиятига бевосита ижобий таъсир кўрсатмоқда Президент Фармонлари ижросини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, фуқароларни асоссиз ҳибсга олишга йўл қўймаслик тадбирларини оғишмай амалга ошираётган вилоят прокуратураси диний-экстремистик ғояларни олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик, ўз Президенти ва миллатига садоқат руҳида тарбиялашни ўзининг долзарб вазифаси деб билади.

Ҳаммамизга маълумки, «Хотирлаш ва қадрлаш куни» муносабати билан Амнистия эълон қилинди. Агрессия ва шунга ўхшаган жиноят, жумладан, ўта оғир жиноятлар, терроризм, диний адоват қўзғатиш, Республика Конституциясига тажовуз қилиш, бу тоифадагилар амнистияга тушмайди ва буларга амнистия қўлланилмайди. Президентимизнинг авф этиш тўғрисидаги Фармонидан кейин фуқаро расмий огоҳлантирилиб, жавобгарликдан озод қилинди. Аёллар ва ёшлар ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор бериш лозим деб ўйлайман. Биз жазо ўташ жойларидан озод бўлиб келган шахсларни ишга жойлаштириш ҳамда ижтимоий яшаш кафолатларини назоратга олиш ва улар томонидан такроран жиноят содир қилинмаслиги чора-тадбирларини амалга ошириб боришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш борасида халқ ўртасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Президентимизнинг «Ўзбекистон - XXI асрга интилмоқда» мавзуида сўзлаган нутқларидан келиб чиқиб, тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, жамиятда барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувликни, сарҳадларимизнинг даҳлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш борасида, халқ турмуш даражасини изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилаяпмиз.

Баъзи кишиларимиз прокуратура ходимларини фақат қонунга маҳкам ёпишиб оладилару, одамлар қалбига қулоқ солмайдилар, деб шаъма қилиб қўядилар. Бу нодуруст тушунча. Прокуратурада ўтирган кишилар орасида инсонни, инсоний туйғуларни ҳис қилабиладиган, унинг қалбини тушунадиган кишилар кўп. Прокуратура ходимлари энди камол топиб келаётган кишиларни билиб-билмай, тўғридан-тўғри жазога тортишни асло раво кўрмайдилар. Кимдир арзимаган жиноятни содир этган бўлса ёки қўшимча жиноят қилганида унга қўшимча айбловларни юклаб, дарров ишини суд ҳайъатига оширавермаймиз. Масалан, вояга етмаганлар билан ишлаш чоғида кўпгина жиноят турлари ҳаёт тақозоси билан содир этилганлигини ҳис қилиб, ишни дарров судга оширмасдан, уни ҳар томонлама ўрганишга ҳаракат қилганмиз.

Республика Олий судининг пленумларида бу борада таниқли қонуншуносларимизнинг бир қанча фойдали фикр-мулоҳазалари билдириб ўтилган. Биз бир кунлик ёки ўн йиллик тажрибадан келиб чиқмасдан, узоқ йиллик тажрибаларга таянишга ҳаракат қиламиз. Бир қарорга келишдан олдин инсон тақдирини ўйлаймиз. Жиноятга сабаб бўлувчи муаммоларини очишда илм-фанимиз ютуқлари ва кўрсатмаларига ҳам таянамиз. Кейинги пайтларда оилада, боғчаларда ва ўрта мактаб дарсларида ҳуқуқий билимларни дунёвий илмларга боғлаб чуқур ўргатишга тўғри келаяпти. Кўпчиликка маълумки, дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги мактаб ва университетларда биринчи ўринда мамлакат тарихи, ҳуқуқ ва жисмоний тарбия илмига биринчи даражали аҳамият берилади. Бу бежиз эмас, албатта.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз маърузаларидан бирида: «Қўшнисининг боғидан бир челак узум олиб ёки дазмолни сўрамай олиб чиққан одамни ўғри деб, жиноий иш қўзғашлик асло бугунги ҳаётимизга тўғри келмайди. Биз аслида катта жиноятларга қўл урган ўғриларни енгил-елпи қараб, қонунга хилоф равишдаги ишларга бефарқроқ қараймиз» деган эдилар. Қанчалик доно фикрлар. Иқтисодий босқичлардан ўтилаётган бугунги кунларда биз кимдир арзимаган ишга билиб-билмай қўл уриб, жиноий жавобгарликка тортилиши керак бўлиб қолса, уларни ойлаб сўроқ қилиб ўтирмасдан суд залигача бўлган жараённи қисқартиришимиз ёки жиноят даражасини тезда аниқлаб, келиштирув йўли билан озод этишимиз ҳам мумкин.

Андижон вилоятига келсак, жиноятларнинг олдини олиш борасида бизлар биринчи навбатда ота-оналар мактаб ва бошқа илм масканлари ҳамда жойлардаги маҳалла фаоллари, оқсоқоллари билан ҳамкорликда иш олиб бораётирмиз.

Айрим фуқароларнинг ақидапарастчилик ҳаракатларига аралашиб қолишлигининг сабаблари текширилганда, ҳақиқатан бу ишнинг бошида чет элларда ватангадолик қилиб юрган, ақидапарастликни билиб-билмай ўзларига йўл тутган кимсалар таъсирида адашувлар бўлганлиги аниқланди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, бундай ишларга қўл урган, адашган кимсалар қилган ишларидан пушаймон бўлиб, тавбаларига таяниб, ўз халқи олдида бош эгиб, кечирим сўраб тавба қилмоқдалар. Биз бу каби «тавбачиларни» доимо кейинчалик ҳам йиллар давомида назоратга олиб, уларни тўғри йўлга бошлаш учун муҳим тадбирлар тузиб чиқдик. Шу асосда уларнинг иш билан таъминланишини ҳам режа асосида олиб боришликни мақсад қилдик.

Мен кўп йиллик тажрибам нуқтаи назаридан газетхонларга икки воқеани айтишни истардим. Биринчидан, ўз мансабига мувофиқ билими билан инсон дунёсига фойда келтирмоққа тиришган, тўғри ҳукм чиқаришга интиладиган ҳуқуқшунослар инсонлар олқишига ва Оллоҳнинг буюк раҳматига эришмоқни истасалар, қонунни нафс балосига қурбон этмасликлари лозим. Қайси бир қонун ҳимоячиси халқ манфаатини ҳимоя қилиш ўрнига порахўрликка йўл очиб, халқнинг ҳақига нодонларча хиёнат қилар эканлар - бундай кишиларни қонун ҳимоячилари деб бўлмайди.

Иккинчидан, қайси бир ҳукм чиқарувчи шахс бугунги мустақиллик кунимизнинг вазифаларини яхши тушуниб етмасдан, чиқарилаётган қонунлардан жиддий хулоса чиқармасалар ҳуқуқшуносман демасдан бу соҳадан чиқиб кетишлари мақбулдир.

Бугунги кунда республикамиз матбуоти, Адлия вазирлиги, Прокуратура, Олий суд ва Ички ишлар вазирлигининг нашрларини мунтазам олиб ўқимайдиган ҳамкасбларимиз борлигини кўриб ачинаман. Биз ҳар бир жиноий ишни одилона ҳал этиб, иложи бўлса матбуот саҳифалари орқали халқни хабардор қилиб борсак, ўз вазифамизни тўғри бажараётган бўламиз, деб ўйлайман.

**Абдуғофир МИРЗАЕВ,**
**Андижон вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари**

Ҳукм ўқилди

# ҲАСАДНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛГАНДА...

Улар худди Тарас Булба билан Остапдай қучоқлашиб кўришишди, ҳол-аҳвол сўрашишди. Кейин одат бўйича дастурхон атрофида тиз чўкиб, дуога қўл очишдан олдин, мутлақо кутилмаганда, ота ўғлининг билагидан маҳкам қисиб, катта ҳовли ўртасидаги ток сўриси тагига бошлади:

- Қани, буёққа юр-чи, мен сени бир кўрай...

Ўғил: «Отам мени тоза соғинибдилар-да» деган ўйда унга эргашди. Бир йилдан бери фарзандининг йўлига кўз тикиб ўтирган онанинг қувончи чексиз. Ахир, она меҳри, соғинчидан устун келадиган туйғу бормиди бу дунёда? У шошганча ошхонага кириб, кўзадаги қатиқни олиб чиқди. Қараса, ўғли ишком тагига қараб кетаяпти.

- Ҳой болам, йўлдан келгансан, қатиқ ичиб ол.

- Шошманг ая, ҳозир... дадам бир нима деяптилар...

Ота ишком тагига келгач, жиддий тарзда калта қирқилган мошгурунч мўйлабини силаб, кўзлари чақнаганча деди:

- Қани, Азамат, мен сени ўқишларда нималарга ўрганганингни бир кўриб қўяй. Қан, қани, ўғлим...

- Ҳой, ҳой, отаси, бола йўлдан келганда бундоқ кутиб олмайдилар. У чарчаган... тағин бир балони бошламанг, - хотин жавраганча қолаверди. Азамат отасининг мақсадини тушунди. Курашиб кўрмоқчи. Ахир, ўғил жисмоний тарбия институтининг кураш бўлимини тугатиб келди-да. Ўғил дарров костюмини ечиб, ток поясига илди. Енгини шимарди. Сал энгашиб отасига деди:

- Дада, балки бугунча курашмай қўя қолармиз. Аям хафа бўлаяптилар...

- Э, ўғил боламисан, ўзинг... Қани, кучингни кўрсат. Агар йиқилсанг, ўша диплом берганингни лаънатлайман. Бошқатдан ўқиб келасан. Келишдикми?

- Келишдик, - ўғил ночор кўнди.

Энди чинакамига Гоголнинг қаҳрамонларига ўхшаб кетишганди... Улар олиша кетдилар. Орада Азамат туфлисини ечиб ташлади. Шими почасини қайириб, ялангоёқ бўлиб олди. Ота эса оқ яктакда. Оёғидаги этикни ечди, ўғлимнинг оёғини босиб олмай, дея аяди чоғи.

Бел олишиш анчайин давом этди. Қулай вазиятни топиб, Азамат отани бир кўтарди-ю, зарб билан ерга урмоқчига ўхшаб оҳиста ерга босди. Отаси «Ёпирай!» деб юборди.

- Дада, барибир енгиласиз, дегандим-ку! - хижолат чека бошлади бола.

- Э, баракалла! Қойилман ўғлим. Ўқишларинг бекор кетмабди.

Ота мамнун, лекин йиқилган курашга тўймас, деганларича бор экан. У суҳбат асносида кутилмаганда ўғлини бир қучоқлаб олди-ю, осмонга ирғита туриб, ерга босди: «Ўғлим, мана бундоқ йиқитиш керак. Сен бўлсанг, авайлаб, пайпаслаб қўйдинг! Ота-бола қаҳқаҳлаб кулиб юборишди. Ювинишиб-таранишиб, айвонга чиқишди. Одатга кўра фотиҳа ўқилиб, чой ичилди.

- Э, ўғлим, полвон деганни доимо темирдай бўлиши керак. Эски кавушдаймас...

Уларни четдан кузатиб ўтирган кишининг шу тобда хаёлидан нималар ўтмайди, дейсиз. Ахир, ҳавас ҳам, ҳасад ҳам одам боласига хоску! «Нима учун менинг хонадонимда бундай оқибат, меҳр йўқ?» деб ич-ичидан эзилганлар ҳам бўлади. Азал-азалдан инсон қонида ҳавас билан ҳасад олишади. Ўзини енгган одам эса ҳасадга бўйин бермайди, аксинча бўлганда...

Ғурумсарой Наманган вилоятининг поп туманидаги энг хушманзара, мевазор боғлар маскани. Бу гўшада туғилган Салимхон Нишонов биронта олий ўқув юртида ўқиган эмас. Фақат уч марта жиноят қилиб, қамалиб чиққан, холос. Уч марта судланган киши анча хушёр тортиши, кейинги тақдири ҳақида бош қотириши лозим, аслида.

Ота-она соғинчи уни Пахтақайнар қишлоғига бошлади. Ундан ўта туриб эътибори Шерқурбонвали қабристони яқинидаги ўтлоқда ўтлаб юрган молларга тушди. Автобусдан тушиб, йўл-йўлакай танишган Аъзам Жунаев деган йигит билан тўғри чойхонага кириб борди. «Ота-онани кўриш бўлса, бир гап бўлар. Аввал хумордан чиқиш керак», деган фикр ўтди унинг кўнглидан...

Йигитлар чойхонадан чиқишганда кеч бўлиб қолган эди. Салимхон қабристон томонга юрди. Қорамолларни эгалари олиб кетмабди. Ҳайрон бўлди. Ҳозир фалон пул турадиган сигир-бузоқни қаровсиз қолдирадиган пайтми? Салимхон бир бош новвос билан уч бош сигирни арқондан бўшатиб, йўловчи машинада Кўқонга олиб кетаётганда молларнинг эгаси Мамадали Саидғаниев иссиқ уйда пишиллаб ухлаб ётарди. Мамадали молларининг ўғирланганига ишонч ҳосил қилганида орадан анча вақт ўтган эди.

Кейинги пайтларда ўқиш, касб-ҳунар ўрганиш ўрнига мол ўғирлашга ружу қўйган айрим ёшлар тез-тез учраб турибди. Одатда шаҳарда автомашина ўғирланса, ёка ушлайдилар. Қишлоқда мол ўғирланса, таажжубланадилар, ўғрини қарғаб, лаънатлайдилар. Қарғиш, лаънат ўз йўлига-ю, лекин қонун кучини кўрсатсагина ўғрининг таноби тортилади. Бўлмаса, ёши элликка яқинлашганда Раҳматали Пўлатов мол ўғриси бўлармиди? Поп туманининг Санг қишлоғилик бу киши Абдуғаффор Эргашев ҳамда Қаюмжон Эсоновлар билан «тенг шерикчилик»ка чиқди. Поплик шериклар кундузи соат ўн иккиларда Санг қишлоғи, «Сирдарё» жамоа хўжалигига қарашли даладаги 90 минг сўмлик икки бош қорамолни ўғирлашди. Эртаси куни Поп тумани Навбаҳор бозорига олиб кетишаётганда ички ишлар ходимлари уларни қўлга олишди.

Ҳасаднинг пайи қирқилган жойда мулоҳаза, фикр қанот ёзади. Дунё нега шундай яралган? Нима учун одам боласига икки хислат эш бўлган: бири - ҳалоллик, иккинчиси - ҳаром-хариш яшаш.

Ҳалоллик, соғлом турмуш - Азаматга хос. У Тошкентдан институтни тамомлаб, жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб, қишлоғига қайтиб келди. Далани соғинган экан. Азонлаб уйқудан турди-ю, наридан бери нонушта қилганча, отасига эргашди. Ота-бола чавандозлар отларини елдириб, дала йўлидан боришаётир. Улар ортидан ҳамқишлоқлари ҳавас билан қараб қолишди.

Ҳаёт экан-да. Биров саҳарлаб далада ишлайди, ризқ-рўз яратади. Ҳалол йўлдан тойган бошқа бир кимса ўғирликка қўл уради. Агар эътибор берган бўлсангиз, оқшом чоғлари нофармон осмон бағрида ғужғон ўйнаган маржон юлдузлар сирлашишаётганга ўхшайди. Одам боласи ана шу сирли коинот синоатларини билишга интилади... Ҳа, биз учқур хаёлларга берилиб, кўпинча ёнгинамизда нималар бўлаётганлигини сезмай, кўрмай қоламиз. Эътиборсизлик, ғафлат, лоқайдлик баъзида хиёнатга тенг бўлиб чиқади.

Донолар айтадилар: «Улуғ кишилар осмондан тушмайдилар. Балки онадан туғилиб, вояга етадилар, тарбияланадилар». Азиз ота-оналар, фарзандларингиз тарбиясига жиддий қаранг, уларни бекор қўйманг, ишласинлар, ўқисинлар, касбу ҳунар эгалласинлар деймиз. Халқимиз илмли, ҳунарли кишиларни қадрлайди. Шундай экан, хиёнатнинг пайини қирқайлик, диёнатни эса доимо ёд этайлик.

**Қурбонбой КАНАЕВ,**
**Поп туман суди раиси**

